

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 30 декабрь № 276 (7778).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори. “Халқ сўзи” газетаси. 2019 йил 13 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимларига табриги. “Халқ сўзи” газетаси 2019 йил 7 декабрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 октябрдаги “Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадаорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3978-сонли қарори. “Халқ сўзи” газетаси 2018 йил 18 октябрь.

Э. Хожиев, Ш.Дж. Эргашходжаева

ТДИУ

ergashhodjayeva_sh@mail.ru

elshod_xojiyev@mail.ru

ЖАҲОН БОЗОРЛАРИДАГИ ОРГАНИК МАҲСУЛОТЛАР

КОНЪЮНКТУРАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ ОШИРИШДА ОРГАНИК СТАНДАРТНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада жаҳон бозорида органик маҳсулотларга бўлган талаб ва уларнинг ҳажмини ошиб бориши, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг талаб юқори бўлган АҚШ, Дания, Россия Федерацияси ва Хитой давлатларида органик маҳсулотнинг истеъмоли кўрсаткичлари, органик маҳсулотлар бозоридаги маркетинг тадқиқотлари, мамлакатимиздаги ишлаб чиқарувчи корхоналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишиширувчи фермер ва дехқон хўжаликларида Organic стандартини жорий қилиш ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда корхоналарнинг Organic сертификатларга эгалиги натижасида экспорт салоҳиятини ўсиши акс эттирилган.

Калит сўзлар: Органик маҳсулотлар, халқаро бозорлар, савдо айланмаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, экспорт, сертификат.

Annotation. The article discusses the growing demand for organic products in the world market, the consumption of organic products in the United States, Denmark, the

Russian Federation and China, marketing research in the organic products market, domestic producers and farmers. and information on ongoing reforms to introduce Organic standards and develop certification in farms, as well as the growth of export potential as a result of enterprises acquiring Organic certificates.


Key words: *Organic products, international markets, trade turnover, agricultural products, exports, certification.*

Бугунги кунда, органик қишлоқ хўжалиги — жаҳон тренди ҳисобланади. 2019 йилда органик қишлоқ хўжалиги бўйича халқаро бозорлардаги савдо айланмаси 96,7 млрд еврони ташкил этиб, 71,5 млн гектар майдонда 2,8 млн ишлаб чиқарувчи ушбу фаолият тури билан шуғулланган. Экспертларнинг баҳолашига кўра, дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги 5 йил давомида йилига ўртacha 15 фоиздан ўсишга эришилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 млрд АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) маълумотларига кўра, дунёнинг 103 та мамлакатида органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, 6 та мамлакатда қонун ишлаб чиқилмоқда.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) ва Органик қишлоқ хўжалиги ҳаракати бўйича Халқаро Федерацияси (IFOAM)нинг Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган.

2019 йилда органик маҳсулотлар энг юқори улушга эга дунё бозорлари (%)



Бугунги кунда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 2,8 млн. дан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, улар асосий қисми Ҳиндистон, Уганда ва Эфиопияда жойлашган.


Таъкидлаш жоизки, органик маҳсулотлар анъанавий тарзда етиширилган маҳсулотларга қараганда 30-40% қимматроқ.

“Numbeo” лойиҳасининг ҳисобларига кўра, Германияда органик гўшт ва сабзавотлар анъанавий маҳсулотларга қараганда 1,5 баробар, қандолат маҳсулотлари эса 2,6 баробар қимматроқ. Россияда анъанавий ва органик маҳсулотлар ўрасида тафовут янада катта, масалан органик сабзавотлар 3 баробар қимматроқ саналишади.

“Россельхозбанк”нинг саноат экспертизаси марказининг прогнозига кўра, яқин йилларда Россиянинг органик озиқ овқат маҳсулотлари ички бозори ҳар-йили ўртача 10-12% ўсиши ва ҳозирги кунда ушбу бозорнинг ҳажми 2020 йилда 250 млн. долл. га етиши кутилмоқда.

Органик маҳсулотларнинг Россия бозоридаги улуши 0,1% ташкил қилиши таъкидланмоқда, лекин уларнинг 10-20% Россияда ишлаб чиқарилган, қолган қисми эса импорт маҳсулотларни ташкил этади. Марказнинг таъкидлашича, Россия ишлаб чиқарувчилари кўпроқ “b2b” сегментига кўпроқ эътибор қаратишган, ва яна аксарият ишлаб чиқарувчилар экспортга ихтисослаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, Дания дунёдаги энг юқори улушга ва энг яхши ривожланган органик бозорга эга. 2018 - 2019 йиллар давомида органик озиқ - овқат савдоси 9,4%га ўди. Бундан ташқари, данияликларнинг 52,5% ҳар ҳафта органик озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишади.



Дания органик бозорининг 2019 йилдаги маҳсулотлар кесимида улуши

Хитой органик маҳсулотларнинг дунёдаги энг йирик учлигига киради – 3 млн. гадан ортиқ ер майдонлари ажратилган (умумий ер майдонининг 6/10 қисми). Қадоқланган органик маҳсулотлар ҳамда ичимликлар бозори 3 млрд. долл. ташкил қиласди. Энг юқори талаб эса органик сутга тегишли – 71%.

Ушбу мамлакатда деярли барча маҳсулотлар экспорт қилинади, 1198 та органик сертификатга эга экспортчи корхона бўлса, 66 та импортга ихтисослаштирилган корхона. Маҳсулотларнинг асосий бозори сифатида Шимолий Америка, Япония ва Европа Иттифоқи давлатлари ҳисобланади. Экспертларнинг таъкидлашича, истеъмолчиларнинг аксарияти Хитойда етиштирилган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараганда, Европа Иттифоқи, Австралия, АҚШ ёки Янги Зеландиядан келтирилган товарларга кўпроқ ишонишади. Ушбу мамлакатларда ҳам муҳим ролни мавжуд халқаро сертификатлар ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳияти ва экспорт географиясини ошириш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан 2019-2020 йиллар давомида Organic стандарти талаблари асосида ҳудудлардаги 29 та фермер хўжаликларида сертификатлаштириш ишларида амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада Organic сертификатига эга бўлган корхоналар томонидан маҳаллий маҳсулотлар АҚШ, Италия, Туркия, Россия Федерацияси Озарбайжон ва бошқа давлатларга экспорт қилинишига эришилди.

Республикамида бир йиллик етиштириладиган ва ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларинининг ҳажми 15 млн. тоннадан ортиқлигини инобатга олган ҳолда, қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- органик маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқариш учун малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш;

- талаб юқори ва истиқболли органик қишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари турларини аниқлаш учун органик маҳсулотлар бозорлари конъюнктурасини ўрганиш, йирик савдо тармоқларида органик маҳсулотларни қадоқлаш ва тамғалаш турларини таҳлил қилиш.

- маҳаллий мева-сабзавот етиштирувчи фермер ва боғдорчилик хўжаликлари учун органик маҳсулотлар етиштиришнинг афзалликлари ва органик маҳсулотларга бўлган талаблар ва уларнинг жаҳондаги нархлари бўйича семинарлар ташкил этиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ушбу йўналишда маҳсулот тайёрловчи корхона ва фермер хўжаликларини Organic стандарти талаблари асосида

маҳсулотларини етиштириши уларга ўз маҳсулотларини қимматроқ нархларда етказиб бериши ва доимий ҳамкорлар билан ишлашини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли фармони. Режим доступа: <https://www.lex.uz/ru/docs/4815923>.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Органик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 2021 йил 23 феврал кунидаги 96-сонли қарори. Режим доступа: <https://www.lex.uz/ru/docs/5304756>